


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES | RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI ILMIIY KONFERENSIYA

YANG O'ZBEKISTON. 2023

CONFERENCES.UZ

DAVRIYLIGI: 2018-2023

INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM



D.I. MENDELEEVNING
KIMYOVIY ELEMENTLAR
DAVRIY JADVALI

Относительная атомная масса (атомный вес)

Актиниоды

										5 B Borun Бор	6 C Carbonium Углерод	7 N Nitrogenium Азот	8 O Oxygenium Кислород	9 F Fluorum Фтор			
										11 Al Aluminium Алюминий	12 Mg Magnesium Магний	13 Si Silicium Силиций	14 Ge Germanium Германий	15 As Arsenicum Мышьяк	16 S Sulfurium Кремль	17 Cl Chlorum Хлор	18 Ar Argonum Аргон
24 Cr Chromium Хром	25 Mn Manganum Марганец	26 Fe Ferrum Железо	27 Co Cobaltum Кобальт	28 Ni Niccolum Никель	29 Cu Cuprum Медь	30 Zn Zincum Цинк	48 Cd Cadmium Кадмий	49 In Indium Индий	50 Sn Stannum Олово	51 Sb Stibium Сурьма	52 Te Tellurium Теллур	53 Br Bromum Бром	54 Xe Xenonum Ксенон	55 Ba Bariumum Барий	56 La Lanthanum Лантан		
74 Mo Molybdenum Молибден	75 Tc Technetium Технеций	76 Ru Ruthenium Рутений	77 Rh Rhodium Родий	78 Pd Palladium Палладий	79 Ag Argentum Серебро	80 Au Aurum Золото	81 Hg Hydrargyrum Ртуть	82 Pb Plumbum Свинец	83 Bi Bismuthum Висмут	84 Po Poloniumum Полоний	85 At Astatium Астат	86 Rn Radonum Радон	87 Fr Franciumum Франций	88 Ra Radiumum Радий	89 Ac Actiniumum Актиний		
106 Dg Darmstadtium Дармштадтий	107 Bh Bohriumum Борий	108 Hs Hassiumum Хассий	109 Mt Meitneriumum Мейтнерий	110 Ds Darmstadtium Дармштадтий	111 Rg Roentgeniumum Рентгеней	112 Cn Coperniciumum Коперниций	113 Nh Nihoniumum Ниголий	114 Fl Fleroviumum Флеровий	115 Mc Moscoviumum Московий	116 Lv Livermoriumum Ливерморий	117 Ts Tennessiumum Теннесси	118 Og Oganessonum Оганесоний	119 Uue Ununenniumum Унуненний	120 Uuo Unbiniliumum Унбинилий	121 Uuq Untriumum Унтрий		
60 Nd Neodymiumum Неодим	61 Pm Promethiumum Прометий	62 Sm Samariumum Самарий	63 Eu Europiumum Европий	64 Gd Gadoliniumum Гадолий	65 Tb Terbiumum Тербий	66 Dy Dysprosiumum Диспрозий	67 Ho Holmiumum Гольмий	68 Er Erbiumum Эрбий	69 Tm Thuliumum Тулий	70 Yb Ytterbiumum Иттербий	71 Lu Lutetiumum Лютеций	72 Hf Hafniumum Гафний	73 Ta Tantalumum Тантал	74 W Wolframum Вольфрам	75 Re Rheniumum Рений		
92 U Uraniumum Уран	93 Np Neptuniumum Нептуний	94 Pu Plutoniumum Плутоний	95 Am Americiumum Америций	96 Cm Curiumum Кюрий	97 Bk Berkeliumum Берклий	98 Cf Californiumum Калифорний	99 Es Einsteiniumum Эйнштейний	100 Fm Fermiumum Фермий	101 Md Mendeleviumum Менделевий	102 No Nobeliumum Нобелий	103 Lr Lawrenciumum Лауренсий	104 Rf Rutherfordiumum Рутерфордий	105 Db Dubniumum Дубний	106 Sg Seaborgiumum Сибургий	107 Bh Bohriumum Борий		

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJU OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IJTIDORLI TALABALAR

TOSHKENT SHAHAR, AMIR
TEMUR KO'CHASI, PR. 1, 2-UY.

+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ



FEVRAL
№49

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИННОВАЦИЯ, ФАН
ВА ТАЪЛИМ
5-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
ИННОВАЦИИ, НАУКА
И ОБРАЗОВАНИЕ
ЧАСТЬ-5**

**NEW UZBEKISTAN:
INNOVATION, SCIENCE
AND EDUCATION
PART-5**

ТОШКЕНТ-2023



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 49-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофик:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

1. Дуланов Ботир Эркуллович
МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ..... 7



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Дуланов Ботир Эрқулович

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви Академияси мустақил изланувчиси

E-mail: bek.us@mail.ru

Тел: +998 94 652 33 92

Аннотация. Мақолада замонавий жамиятларда миллий ўзликни англашнинг янги босқичи сифатида миллий тараққиёт ўрни ва роли таҳлил қилинган. Миллий ўзликни англашда жаҳидчилик ҳаракатининг роли ёритилган. Миллий ўзликни англаш концепцияларининг интеграциялашган модели ўрганилган. Шунингдек, оммавий ахборот воситалар орқали миллий ўзликни англашга доир чиқишлар сони кўпайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Миллий ўзликни англаш, жаҳидчилик ҳаракати, ОАВ, миллий кадриятлар, миллат, миллий менталитет, миллий ғоя, миллий ғурур, миллат шаъни, миллий ифтихор.

Аннотация. В статье анализируются место и роль национального развития как нового этапа осознания национальной идентичности в современных обществах. Выделена роль движения джадидизма в реализации национального самосознания. Исследуется интегрированная модель концептов национальной идентичности. Также были даны предложения и рекомендации по увеличению количества выступлений на тему национальной идентичности через средства массовой информации.

Ключевые слова. Осознание национальной идентичности, джадидистское движение, средства массовой информации, национальные ценности, нация, национальный менталитет, национальная идея, национальная гордость, национальная честь, национальная гордость.

Abstract. The article analyzes the place and role of national development as a new stage of national identity awareness in modern societies. The role of Jadidism movement in the realization of national identity is highlighted. An integrated model of national identity concepts is studied. Also, proposals and recommendations on increasing the number of speeches on national identity through mass media were given..

Keywords. Awareness of national identity, Jadidism movement, mass media, national values, nation, national mentality, national idea, national pride, national honor, national pride.

Ҳозирги кунда глобаллашув даврида ҳар бир давлат, ҳар бир жамиятда миллий ўзликни англаш зарурияти ошиб бормоқда. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали кириб келган ахборотлар оқимида ёшлар миллий ўзлигини (ўз тарихини, миллий кадриятларини, миллий урф-одатларини, миллий тили софлигини) унитиб қўймоқда. Шунинг учун ҳам ОАВ орқали миллий ўзликни англашга қаратилган тарғиботлар ва ташвиқотларнинг таъсирчан самарали механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда “оммавий ахборот воситалари сони 2016 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга ортиб, 1962 тага етгани диққатга сазовордир. Айниқса, хусусий медиа воситалари ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда, туб ислохотларни амалга оширишда, жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни дадил кўтариб чиқишда муҳим омил бўлмоқда”.

Оммавий ахборот воситалар орқали миллий ўзликни англашга доир чиқишлар сони кўпайтириш, ўз навбатида жамият барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, фуқароларнинг ҳамжиҳатлигини ва тотувлигини таъминлайди. Фил.ф.д., доц. Ф.Муминова ўзининг



“Миллий ўзлик, менталитет ва ОАВ” номли мақоласида МДХ мамлакатлари оммавий ахборот воситалари миллий ўзлик, миллий менталитетни юксалтириб, янги давлатчиликни шакллантиришга хизмат қилмоқда деб таъкидлайди. Шунингдек, ОАВни миллий ўзлик ва менталитет миллатни мустаҳкамлаш, уни миллий тикланиш ва тараққиётга сафарбар этишнинг энг кучли воситаси сифатида қараб, бу вазифаларни амалга оширишда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳал қилувчи ўрин тутишни изохлайди. МДХ давлатларида сўнгги йилларда ОАВларида миллатни улуғлашга бирёклама қарамлик билан миллий ўзлик ва менталитет яратишга уринишлар бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жараён миллатнинг ўзини англаши зарур бўлган дастлабки босқич сифатида глобал кадриятларни мамлакатларнинг миллий тараққиёт дастурларида ўз ифодасини топиши керак. Баъзи, МДХнинг давлатларида миллий кадриятлар глобал кадриятлардан устун туриши давом этмоқда ва бу мустақиллик даврида оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги асосий камчиликлардан биридир деб ўз қарашларини баён этади.

Бизнингча барча жамиятларда миллий ўзликнинг англаш бу миллий манфаатларни ҳамда ўз давлатчилик тарихи негизда шаклланиши ва ривожланиши керак. Сабаби миллий ўзликнинг англашнинг ядроси бу тарихий онг ва тарихий хотира ташкил этади.

Россиялик тадқиқотчи Е. В. Каблуков ўз изланишларида “Ўзига хослик ҳақидаги ғоялар эволюцияси, шунингдек, уни дискурсив ёндашувга мувофиқ ўрганишда юзага келадиган асосий методологик муаммолар кўриб чиқади. Идентификация модели ва минтақавий ўзига хослиги модели тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб, ОАВ дискурсида минтақавий миллий ўзликни англаш моделини таснифлаб беради”.

Янги Ўзбекистонда миллий ўзликни англашнинг янги босқичга олиб чиқиш бевосита жадид аломалармизнинг қарашлари ва ғоялари бугунги кунда мотивацион омил сифатида қаралади. “Дунёда глобал хавф-хатар кучайиб бораётган бир даврда миллий ўзликни англаш ва тарихимизни тиклаш ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамият касб этапти. Мустабид тузум даврида шавқатсиз қатағон қилинган, инсонийлик шаъни, ор-номуси топталган минглаб юртдошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг жасорати ва матонатини ёшларга етказиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда”.

Ёш тадқиқотчи Давидов Умиджон Ҳасан ўғли ўзининг “Миллий ўзликни англашда жадидчилик ҳаракатининг роли” номли мақоласида жадидчилик ғояси орқали миллий ўзликни ёшлар онгига сингдириш:

1) жамиятнинг барча қатламларини бир ғояга ишонишга жалб эта олди. Ушбу ғоя миллий ўзликни англаш ва миллий уйғониш мафқураси бўлиб хизмат қилди;

2) жадидлар ўз ғоявий ва амалий ҳаракатлари орқали миллат мустақиллиги учун кураш олиб борди;

3) маориф ва маданиятни, матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадларга асосида шакллантира олди ва миллатни миллий ўзликни англашга чақирди деб таъкидлайди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети олимлари И. Саифназаров, Д.Эрназаров, Ф.Усмоновлар XIX аср охири – XX аср бошларида жадидларнинг миллий ўзликни англашга қаратилган ҳаракатига бағишланган масалаларни ўрганишган. Шунингдек, уларнинг миллат онги ва тафаккурини ўстиришга қаратилган, Туркистонда илм-фан ва тараққиётни ривожлантиришга қўшган улкан ишлари тарихий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинганлар. Шунингдек, “Замонавий босқичда Ўзбекистон жамиятини сафарбар этувчи куч сифатида эса бу жараёнда азалдан халқнинг маънавий-руҳий таянчи бўлган миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш концепциясини яратиш зарурияти муҳим ўрин тутган.

Миллий ғоя барча замонларда ҳам долзарб аҳамият касб этадиган, миллати, тили, маданияти, маънавияти ва динидан қатъий назар, жамият аъзоларининг эзгу орзу-интилишлари, туб манфаатларини ўзида акс эттирадиган ва шу йўлда бирлаштирадиган, сафарбар этадиган, муттасил ривожланиб борадиган энг муҳим тушунча ва тамойиллар тизимидир.

Биз, миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш концепциясини соғлом, аниқ, тиниқ фикрлайдиган ҳар бир шахс ва фуқарода миллий ғурур-ифтихор, ор-номусни уйғотадиган, ўзликни англададиган, халқнинг мақсади ва орзу умидлари рўёбга чиқишига куч-қудрат берадиган, миллатни ўз келажиги учун ҳаракатга келтирадиган қудратли омил, деб ҳисоблаймиз” деб таъкидлаганлар.

Бизнинг назаримизда миллий ўзликни англаш учун маънавий кадриятларни қайта тиклаш, унинг имкониятлари ва афзалликларидан самарали фойдаланиш, маънавий - маъ-



рифий соҳадаги муаммоларни ҳал эта бориш ҳам талаб қилинади. Бугунги кунда миллий ўзликни англашнинг энг долзарб масалаларидан бири - бу Янги Ўзбекистоннинг ҳаққоний тарихини яратишдан иборат.

Миллий ўзлигини англамаган инсон Ватанни севиш, унга меҳр билан муносабатда бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ўзлигини қанчалик кўп ва қанчалик чуқур англаб борса, бу унда ватанпарварлик ҳиссасини шунчалик кўп ошиб боришига сабаб бўлади.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида Янги Ўзбекистон пойдеворининг мустаҳкамлашда миллий ўзликни англашнинг қуйидаги компонентларни ёшлар онгига сингдириш технологияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ:

- миллий бирликнинг мавжудлиги мамлакат мустақиллигини асоси эканлигини тушуниб етиш;
- миллий кадриятлар: тил, туғилиб ўсган жой, маданиятга (кенг маънода) содиқлик руҳиятини шакллантириш;
- мамлакатимиз миллий манфаатларни таъминлаш ҳар бир фуқаро бурчи эканлигини англаш;
- миллий мустақиллик ва миллий тараққиётга интилиш асоси илм олиш ва изланиш эканлигини тушуниб етиш;
- ёшларда ватанпарварлик каби фазилатларни шакллантириш.

Миллий ўзликни англаш барча даврларда ҳам жамият тарихининг асосий омилларида бири бўлиб келган ва у миллат манфаатлари ва кадр-қимматини англашдан, уларни ҳимоя қилиш учун курашдан бошланади.

Мазкур соҳада халқаро тажрибага асосланиб, шуни хулоса қилиш мумкинки, миллий ўзликни англаш концепцияларининг интеграциялашган моделини ишлаб чиқиш кўп миллатли Ўзбекистонда жамият барқарорлиги таъминлаш омили ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Миллий ўзликни англаш концепцияларининг интеграциялашган модели.

Юқоридаги 1-расмда кўриниб турганидек, миллий ўзликни англаш концепцияларининг интеграциялашган моделини ишлаб чиқиш, бугунги глобаллашув шароитида миллий ўзликнинг англашга бўлган ёндашувларни умумий мақсад сари фойдаланишга хизмат қилади. Масалан кўпчилик гуруҳ аъзоларининг муносабати, хулқ-атвори ва миллатга этник бирликлар ва иммигрантлар томонидан кириб келаётган кадриятлар, шунингдек, озчилик гуруҳи аъзоларининг ўзлигини англашлари учун яратилаётган шароитлар, жамият барқарорлигини ва миллатлараро тоувликни таъминлаш гарови ҳисобланади.

Миллий ўзликни англаш умуминсоний кадриятларни инкор этиш ёки бошқа миллат маънавий ва моддий бойликларини ҳурмат қилмаслик ҳолатидан узоқроқдир. Аксинча, ўзга миллат ва халқларнинг тили, дини, моддий ва маънавий кадриятлари, анъаналари-



ни билиш; ҳурмат қилиш замирида ўз миллий меросини шаклан ва мазмунан бойитиш ўзликни англашда муҳим аҳамият касб этади. Миллий ўзликни англаш миллатчилик, маҳаллийчилик каби ҳолатлардан бутунлай йироқдир. Ўзлигини англаган инсон ҳеч қачон сотқинликка, хиёнатга, разолатга қўл урмайди. Йўл бермайди.

Миллий ўзликни англаш ўзи дунёга келиб ўсган оиласи, маҳалласи, Ватанини севиш, ота-онаси, қариндош-уруғлари, дўст-у биродарлари, халқи, миллатига чуқур ҳурмат ва эҳтиромдир. Уларнинг шажараси, ўтмиш авлод-аждодлари, касб-кори, ахлоқий-маънавий кадриятларнинг мукамал билиш ва улардан фахрланиш ҳисси демакдир.

Шахсда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий соҳалардаги ранг-баранг билимлар асосида эришилган миллий ўзликни англаш умумўзликни англашининг таркибий қисмини ташкил этади. Лапич К.Г. миллий ўзликни англаш билан умумўзликни англаш узвий боғлиқлиги асосланиб, унинг уч томонлама боғлиқда: билиш, эмоционал кадриятлар ва ахлоқий-тарбиявий компонентларини кўрсатади.

Ўз-ўзини англаш ёки миллий ўзликни англаш феноними тўғрисидаги юқорида келтирилган учта компонентларни эътироф этган ҳолда бу жараённинг самарали бўлиши учун бизнингча, онг шаклларида бўлган омилларни қўшиш лозим. Ўз ўзини англаш структураси компонентлари қуйидагича кўрсатилган:

- суверен давлат, давлат мафкураси, миллий ғоя;
- миллий ва диний кадриятларнинг шахс “мен”и ҳақидаги билимлар мазмунини бойитишга таъсири;

-миллий маданий мерос ва жамият таррақиётида шаклланган халқ байрамларининг шахснинг шаклланишига таъсири;

- умумбашарий кадриятларга содиқлиги.

Ҳозирги кунда «миллат», «миллий менталитет», «миллий ғоя», «миллий ўзликни англаш», «миллий ғурур», «миллат шаъни», «миллий ифтихор» ва бошқа бир қатор тушунчаларга илмий таъриф бериш ҳамда уларнинг моҳиятини очиб беришга бағишланган бир қатор асарлар тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аммо «миллий ўзликни англаш» тушунчаси, унинг мазмун-моҳиятини Янги Ўзбекистон билан боғлиқ ҳолда очиб берадиган махсус фундаментал, амалий тадқиқотлар ўтказилигани йўқ. Дунёда кечаётган ноаниқлик шароити ва глобаллашувнинг миллий маънавиятимизни ичидан ва ташқарисидан емираётган жараёни кучаяётган бугунги кунда ана шундай фундаментал асарларга эҳтиёж яққол сезилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, «Ўзликни англаш», «миллий ўзликни англаш» ва ниҳоят «умумбашарий ўзликни англаш» тушунчалари бирбиридан айри эмас, балки бир-бири билан узвий алоқадор, бир-бирини такомиллаштиришни тақазо этади. Зеро, инсон ота-она, оила, миллат, аҳли башар, борингки, бутун борлиқ билан муносабатлар асосида ўзининг ким эканлигини англаб боради. Айни шу муносабатлар замирида шаклланган миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида миллий ғоя тамойиллари шаклланган ва ўз навбатида, миллий ғоя уларни замон талаблари асосида бойитиб боради.

Миллий ўзликни англаш шундай омилки, уни юксак тараққиёт даражасига кўтариш йўли билангина миллатни ҳар қандай зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш мумкин. Чунки, у миллатдаги манфаат, ифтихор, ғурур, шаън, ор-номус, эътиқод ва масъулият каби кадриятларни абадийлаштирувчи юксак даражадаги маънавий кадрият ҳисобланади.

Миллий ўзликни англаш ҳар бир тарихий тараққиёт босқичида ривожланиб ва такомиллашиб боради. Аммо бу жараён ҳеч қачон стихияли равишда кечмайди, балки тарихий тараққиёт босқичларининг миллат олдига қўядиган, уларнинг миллат руҳияти, маънавиятига кўрсатадиган таъсирларига қараб ривожланади. У ўзининг ор-номуси, кадрияти, шаъни, ғурури топталганлигини сезсагина ёки ўз тараққиёти давомида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш заруриятини англасагина миллий ўзликни англаш ривожланиши тезлашуви, керак бўлса унда «портлаш» содир бўлади. Акс ҳолатда унинг ривожланиш жараёни эволюцион тарзда секин кечиши давом этаверади. Ана шу фикримиздан келиб чиқадиган бўлсак, қарамликдан қутулиш учун кураш даври миллий ўзликни англаш ривожланишининг сокинлик даври эмас эди.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // <https://president.uz/uz/lists/view/5294>
2. Муминова Ф. Национальная идентичность, менталитет и СМИ. // https://ca-c.org.ru/journal/2002/journal_rus/cac-05/18.memrus.shtml
3. Е. В. Каблуков. Региональная идентичность россиян в дискурсе СМИ. // <https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/62688/1/iurp-2018-177-03.pdf>
4. Маҳмудхўжа Бехбудий – миллат алломаси. // https://www.uza.uz/uz/posts/mahmudxozha-behbudiy-millat-allomasi_191360
5. Давидов У. Миллий ўзликни англашда жаҳидчилик ҳаракатининг роли. // “Yangi O‘zbekiston: barqaror rivojlanishning ijtimoiy-falsafiy, iqtisodiy-siyosiy va huquqiy masalalari” VOLUME 2 | SPECIAL ISSUE 23 ISSN 2181-1784 /<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-347-353>
6. Саифназаров, И., Эрназаров, Д., Усмонов, Ф. (2022). Туркистон халқларининг миллий ўзлигини англашда жаҳидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий жиҳатлари. // <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/733>
7. Yogeewaran, Kumar & Dasgupta, Nilanjana. (2014). Conceptions of national identity in a globalised world: Antecedents and consequences. *European Review of Social Psychology*. 25. 189-227. 10.1080/10463283.2014.972081.
8. О‘роқова Шарофат Saidqul qizi. (2022). Milliy o‘zlikni anglash barkamol avlodni tarbiyalashning asosiy omili. *eurasian journal of academic research*, 2(13), 120–123. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7427269>
9. Лапіч К.Г. Нацыянальная самасвядомасць і менталітэт беларусаў. / К.Г.Лапіч/ / Адукацья і выкаваніе. -2020.-№3. –С.8-12.
10. Saparova G. Yoshlarda milliy o‘zlikni anglash mexanizmi va o‘zini-o‘zi boshqaruv usuli. // *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. VOLUME 1 | ISSUE 9 ISSN 2181-1784

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 5-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2023

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000